

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ – БУТУН ХАЛҚ, БУТУН ЖАМИЯТНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИДИР

Бахтиёрова ГулсанамИхтиёр қизи

ТДЮУ қошидаги

академик лицейнинг

1-босқич ўқувчиси

Аннотация: мақолада она тилимиз – ўзбек тилининг давлат тили сифатида мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро ҳужжатларда келтирилган расмий давлат тили ва тил принципига оид қоидалар, миллат, тил тушунчалари ва уларнинг моҳияти, давлат тилининг асосий белгилари, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришга оид масалалар илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада тегишли таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат тили, миллат, элат, тил, она тили, Учинчи Ренессанс, инсон ҳуқуқлари, ўзбек адабий тили, ўзбек миллий юридик тили, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ўзликни англаш, бир миллат бир неча тил.

Мамлакатимизда “Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай давлат тузуми асосини унинг табиий, ҳудудий, миллий ва этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилган қонунлари ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддаси 1-бандида “ҳар бир инсон ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ва бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши зарур” [1], деб белгиланган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси 1-бандида: “Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирки, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади” [1], – деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, ҳар иккала халқаро ҳужжатда, миллатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқли белгиланганлиги, шу билан бирга бу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбурияти бевосита давлатнинг ўзига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг

умумэтироф этилган нормаларида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳеч қандай чеклашларсиз амал қилиш назарда тутилади.

Давлатимиз, миллатимиз тарихида муҳрланган 30 та моддадан иборат муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилиниб, мазкур Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бугунги кунда биз **янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс** пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки, неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш – бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Давлат тилининг обрў-эътибори – бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир” [2], – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6084-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, конституциявий нормаларга мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон доимий аҳолиси таркибида ўзбеклар, тожиклар, қozoқлар, қорақалпоқлар ва руслар энг йирик этник гуруҳлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг этник таркиби, жами аҳоли сонига нисбатан % ҳисобида ўзбеклар 84,4%, қорақалпоқлар 2,2%, руслар 2,1%, қozoқлар 2,4%, тожиклар 4,9% ва бошқа миллат вакиллари 4,1% [3]ни ташкил қилади.

Қ.Рафиқовнинг таъкидлашича, Ватан миллат идроки билан мавжуддир. Янаям соддароқ айтсак, миллат Ватаннинг устунидир. Тил миллатнинг жони, томирида оқаётган қонидир. Усиз ҳеч бир миллат баркамол эмас. Маърифатпарвар бобомиз Алихонтўра Соғуний: “...қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳожатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп

узоқламай инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади” [4], – деганида она тилига, унинг жозибасига алоҳида эътибор берганлигини кўрамиз. Ўзбек миллий юридик тили ўзбек адабий тилининг таркибий қисми сифатида миллатни, унинг тарихий тараққиётини, маънавий-ҳуқуқий кадриятларини ифода этади [5].

Миллатнинг ўзаро алоқа воситаси миллий тил орқали амалга оширилади. Ҳар бир миллат ўз тилига эга. Аммо бир миллат бир неча тилга эга бўлиши мумкин бўлганидек (масалан, белгияликлар – бир миллат, лекин француз ва валлон тилларида сўзлашади, швейцарияликлар ҳам ягона миллат, лекин немис, француз, итальян ва ретороман миллий тилларида сўзлашадилар), бир неча миллатлар бир миллий тилдан фойдаланишлари ҳам мумкин (хусусан, АҚШ, Англия, Австралия ва бошқа инглизча сўзлашувчи мамлакатларда инглиз миллий тилининг турли вариантлари қўлланади) [6]. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, бизнинг миллатимиз – ўзбек, миллий тилимиз эса ўзбек тилидир.

Республикамиз ҳудудида азалдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Уларнинг миллий манфаатлари турли соҳаларда, шу билан бирга, жиноят ишини юритиш жараёнида ҳам ҳар доим эътиборда бўлган. Жиноий одил судлов фаолиятида ҳам тил принципи қоидалари муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу принцип икки миллат вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Миллат – узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли [6].

Миллат – тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳият, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар умумийлиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир. Миллатнинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омил, унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. Мутахассисларнинг фикрича, ер юзида уч мингга яқин миллат мавжуд бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 % ини бирлаштиради. Аҳолининг қолган 4% элат ва қабилалардир. Ҳар бир миллат нуфузи бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради. Миллатлар бешта йирик гуруҳга бўлинади: а) буюк миллатлар: хитойликлар (аҳоли сони 1 миллиард 250 миллиондан ортиқ), хиндлар, америкаликлар, руслар, японлар (ҳар бири 100 миллиондан 200–300 миллионгача аҳолига эга); б) катта миллатлар (50 миллиондан 100 миллионгача) – инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва б.; в) йирик миллатлар (10 миллиондан 50 миллионгача) – ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва б.; г) ўрта миллатлар (1 миллиондан 10 миллионгача); д) кичик миллатлар (бир неча 10 мингдан 1 миллионгача). Жаҳондаги 27 та миллат ер юзи аҳолисининг қарийб 75 % ини ташкил қилади [7].

Миллат (арабча “миллат” – халқ) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги [8].

Миллатнинг ҳар бир авлоди миллий анъаналарни ўтмишдан келажакка етказиб берувчи инсонлар руҳида тарбияланиши керак. Миллатнинг таназзули миллий анъаналарнинг ҳам таназзулидир [8].

Ш. Кўчимов: “...тил ҳуқуқий тушунчаларнинг яшаш шаклидир. Тил – барча ҳуқуқий тушунчаларни англаш, тушуниш, идрок этиш, ўқитиш, ўрганиш, тушунтириш, шарҳлаш, жорий этиш, ижро этиш, ёзма баён этишда ҳам асосий восита” [9], – деб таъкидлаб ўтади. Луғатларда эса тил турлича таърифланади.

Тил – инсонлар орасидаги алоқа воситаси, ижтимоий ҳодиса; жамият аъзоларининг фикр ифодаланиши ва ўзаро фикр алмашиши учун хизмат қиладиган восита ҳисобланади [7]. Тилнинг оғзаки ва ёзма нутқ сифатида шаклланиши инсонларнинг ҳам жисман, ҳам ижтимоий жиҳатдан тараққий этишини таъминлади. Тилдаги сўз бойликларининг ортиб бориши билан тил тобора такомиллашиб боради.

Юқорида, тил хусусида келтирилган таърифларни таҳлил қилиб, тил алоқа воситаси, нутқ сифатида, шубҳасиз, инсон онгининг маҳсулидир, десак хато қилмаган бўламиз.

Давлат тили тегишли давлатдаги умумий расмий тилдир.

Давлат тили одатда уч йўл билан белгиланади: а) тарихий анъана асосида – ушбу давлат худудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тилларидан бирини умумий тил деб тан оладилар; бундай тил, кўпинча, шу давлатдаги энг йирик ёки ҳукмрон миллатнинг тили ҳисобланади; б) ҳукумат, президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан давлатнинг расмий тили деб эълон қилиш асосида – халқаро ёки жаҳон тилларидан бири ҳисобланиб, давлат органларида, ҳукумат идораларида ва расмий ташкилотларда, кўрсатмага биноан, ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, барча расмий учрашувлар, анжуманлар ана шу расмий тилда ўтказилади; в) давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки мамлакат Президенти томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши керак деб эълон қилиш асосида [8].

Давлат тили – муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижроия ва суд окимиятларида иш юритиш учун расмий белгиланган тил [10].

Давлат тили қўйидаги белгиларнинг мавжудлиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради:

– давлат аҳолисининг кўп қисми учун она тили ҳисобланади. Шу боис бу давлатда кўпроқ қўлланилади;

– бутун мамлакат худудида расмий мулоқот доираларида, ижтимоий ва маданий соҳаларда хизмат қилади;

– мамлакат худудларида бирлаштирувчи ролни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасида суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда

судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади, деган қоида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг 11-моддаси биринчи қисмида эса судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилиши, ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ҳамда муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда олиб борилиши таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунида, бир томондан жиноят ишларини юритишда ўзбек тилидан фойдаланишнинг мажбурийлиги белгиланса, иккинчи томондан эса қорақалпоқ тилидан ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишда тўсқинликка йўл қўймаслик назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ҳам қайси ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили, яъни ўзбек тили, қайси ҳолларда қорақалпоқ тили ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тил қўлланиши кераклиги белгиланмаган. Агар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-моддасининг иккинчи қисми ва 115-моддаси талабларидан келиб чиқсак, қорақалпоқ тили, муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тил Ўзбекистон Республикасининг давлат тили, яъни ўзбек тили билан бир қаторда қўлланилиши мумкин. Аммо шундай муаммо пайдо бўладики, жиноят ишлари юритилаётган тилнинг устунлиги масаласи ким томонидан ҳал қилиниши тўғрисида ҳеч қайси қонунда кўрсатилмаган.

Жиноят ишлари юритиладиган тил ҳақидаги қоида МДҲ давлатлари Жиноят-процессуал кодексларида қуйидагича белгиланган: Масалан, жиноят ишларини юритиш Молдова, Арманистон республикалари Жиноят-процессуал кодексларида фақат давлат тилида, Тожикистон, Азербайжан, Украина республикалари Жиноят-процессуал кодексларида давлат тилида ёки тегишли ҳудудда кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда, Қирғизистон, Беларусь республикалари Жиноят-процессуал кодексларида давлат тилида ёки рус тилида юритилиши мустаҳкамланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари юритиладиган тил принципи давлатимиз мустақиллиги, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги кафолатидир. Жиноят ишлари юритиладиган тил принципи ҳимоя ҳуқуқи барча фуқароларнинг, миллатидан ҳамда жиноят ишлари юритиладиган тилни билиш-билмаслигидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглигини кафолатлайди.

Жиноят ишлари юритиладиган тил принципини амалга ошириш икки умумлашган маънога эга. Жиноят ишларини юритиш қонунда белгиланган тилда амалга оширилиши жиноят ишларини юритишда бир хилликни таъминлайди. Иккинчи томондан, жиноят ишлари юритиладиган тил принципи ғояларини амалга ошириш процесснинг жиноят ишлари юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли

даражада тушунмайдиган иштирокчиларининг иш ҳолатларини тушунишларини таъминлаган ҳолда улар манфаатларининг, жиноят ишларини юритишнинг барча бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур принципнинг бузилиши, шубҳасиз, суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўлади.

Тилнинг она тили эканлигини аниқлаш субъектив хусусиятга эга. Она тили деганда нимани тушуниш кераклиги қонун даражасида белгиланмаган. Бу фактни аниқлаш жиноят иши юритиладиган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчисининг ихтиёрига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишнинг объектив мезонлари йўқлиги она тили масаласини аниқлашда маълум қийинчиликларга олиб келади. Она тилидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда иш юритиладиган тилни билиш (билмаслик) фактини эътиборга олмаслик қонун бузилиши ҳолатларига олиб келади. Жиноят ишлари юритиладиган тилдан ташқари бошқа тилни билладиган ҳар қандай процесс иштирокчиси бу тил унинг она тили экани, шунингдек, ўзининг бу тилдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида маълум қилиши ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашларини талаб қилиши мумкин.

Фикримизча, жиноят ишлари юритиладиган тилни билмайдиган процесс иштирокчиси бу – иш юритилаётган тилни, унинг маъно ва моҳиятини умуман тушунмайдиган шахс ҳисобланади. Жиноят ишлари юритиладиган тилни етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиси бу – иш юритилаётган тилни қисман тушунса-да, унинг маъно ва моҳиятини тўла англай олмайдиган шахсдир.

Иш юритиладиган тилни билиши (билмаслиги)ни аниқлашда процесс иштирокчисининг иш юритиладиган тилда оғзаки ва ёзма нутқни тушуниш, сўзлаш салоҳияти аниқланиши лозим.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А. Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 31, 37.
2. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-khal-iga-bayram-tabrigi-21-10-2020>
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/19/population/>
4. Менинг Президентим! [Матн]: публицистика / Қ.Рафиқов. – Тошкент: “Академнашр”, 2021. – Б. 97-98.
5. Кўчимов Ш. Қонун ижодкорлигида сўз ўрни // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. – №1. – Б. 17.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд / Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Т. Даминов, Т. Долимов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 659, 666.
7. Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 99, 261.



8. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат / Муаллифлар: М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Г. Абдураззоқова ва бошқ.; А. Жалолов ва Қ. Хоназаровнинг умумий таҳририда. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 47, 120, 125.

9. Кўчимов Ш. Она тилимиз мавқеи // Нуқуқ ва бurch. – Тошкент, 2009. – № 10. – Б. 18.

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд / Таҳрир хайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва бошқ. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – Б. 165.